XALQ DEPUTATLARI YANGIHAYOT TUMAN KENGASHINING
Q A R O R I

2022 - yil 8 - aprel I-33-67-14-220-K/22 Yangihayot tuman hokimligi

Халқ депутатлари Янгиҳаёт туман Кенгашининг 2021 йил 27 январдаги “Янгиҳаёт туманида жойлашган юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича 2021 йил солиқ ставкасига қўлланиладиган коэффициентини тасдиқлаш тўғрисида”ги VI-4-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6,24-моддалари, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 апрелдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги ЎРҚ-682-сон қонуни ва халқ депутатлари Янгиҳаёт тумани Кенгашининг 2021 йил 13 декабрдаги “Янгиҳаёт туманида жойлашган юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича 2022 йилда солиқ ставкасига қўлланиладиган коэффициентини тасдиқлаш тўғрисида”ги I-26-110-14-220-K/21-сонли қарори қабул қилинганлигини инобатга олиб, халқ депутатлари Янгиҳаёт тумани Кенгаши,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари Янгиҳаёт тумани Кенгашининг 2021 йил 13 декабрдаги “Янгиҳаёт туманида жойлашган юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича 2022 йилда солиқ ставкасига қўлланиладиган коэффициентини тасдиқлаш тўғрисида”ги I-26-110-14-220-K/21-сонли қарори қабул қилинганлиги муносабати билан, халқ депутатлари Янгиҳаёт туман Кенгашининг 2021 йил 27 январдаги “Янгиҳаёт туманида жойлашган юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича 2021 йил солиқ ставкасига қўлланиладиган коэффициентини тасдиқлаш тўғрисида”ги VI-4-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Туман ҳокимининг матбуот котиби–ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси (Н.Хакимова) халқ депутатлари Янгиҳаёт тумани Кенгашининг ўз кучини йўқотган деб топилган қарори тўғрисидаги маълумотни оммавий ахборот воситалари ва туман ҳокимлигининг ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларида ёритилишини таъминласин.

3. Ушбу қарор эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

4. Мазкур қарор ижроси назорати халқ депутатлари Янгиҳаёт туман Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссия (Б.Рахимов) зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари Янгиҳаёт туман Кенгаши раиси **Х.Иногамов**